



O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «04» июнь

№ 995-к

Каттақўрғон ш. – г. Каттакурган

Каттақўрғон шаҳар Туркистон кўчаси атрофидаги шаҳар ҳокимлиги захирасидаги
130 кв.метр ер майдонини фуқаро Юлдашев Мумин Башмановичга аҳолига маиший
хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриши учун ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги 54-сон
“Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа
эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар
бериш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон
Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона
фойдаланиш, ҳамда фуқаро Юлдашев Мумин Башмановичнинг шаҳар ҳокими номига ёзган
аризаси ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда
қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича
тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Туркистон кўчаси атрофидан фуқаро Юлдашев Мумин Башмановичга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриши учун 130 кв.метр ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Юлдашев Мумин Башмановичга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриши учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиков) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га фуқаро Юлдашев Мумин Башмановичга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриши учун ажратилган ер майдонини натура тарзда жойида ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.
6. Фуқаро Юлдашев Мумин Башманович томонидан белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.
7. Фуқаро Юлдашев Мумин Башмановичга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриши учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.
8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов